



# ПРАФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР ХАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**C.X.Холмирзаев**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Ж.Х.Д. кадрлар бўлими бошлиги

**Турсунбоев Ҳумоюн Ғайрат ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиячи

3-ўқув курс 315 гурӯҳ курсанти

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади<sup>1</sup>

2014 йил 14 майда қабул қилган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Асосий тушунчалар»га бағишлиланган З-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қўйидагича таъриф берилган: «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқачора-тадбирларитизими»<sup>2</sup>.

Айнан мазкур таърифдан ҳамда ички ишлар органларининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, тизими, функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад қонунда берилган ваколатлар доирасида, соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёевнинг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга 21.10. 2016 йил

<sup>2</sup> 2014 йил 14-майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги конун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>



шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятни шакллантириш, шунингдек ғайриижтимоий хулқатворга эга ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ахлоқини тузатиш, фуқароларни хуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усул ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳликка чакириш, хуқуқбузарликлардан жабрланган ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарлиқдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқатворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашиш кабилардан иборат<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз адолатқонун устиворлигига» деган тамоил асосида жамиятимизда қонунга хурмат, хуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарликларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларнинг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор<sup>4</sup> деб таъкидлаб ўтди.

Профилактика инспектори ўз фаолиятида ҳар томонлама фуқороларга ўрнак бўла олиши, ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб юриш туриш ва хулқатворга эга бўлиши керак. Биз бундай хулқатвор қаторига: чидамлилик, бардошлилик, мардлик, олийжаноблик, камтарлик, босиқлик каби сифатларни киритиб ўтамиз. Профилактика инспектори доимо унинг қиёфасига унинг муомаласига қараган ҳолда бутун ички ишлар идоралари ходимларига баҳо беришини унутмаслиги, шу сабабли унинг зиммасидаги юксак маъсулятни англашган ҳолда вижданан ишга муносабатда бўлиши керак.

Юртимизда ички ишлар органлари профилактика соҳасида учраб турувчи айрим муаммо ва камчиликлар юзасидан бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан : истиқлоннинг дастлабки йилларидан юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш , жамоат тартибини сақлаш вазифаларига устувор ахамият берилаётганини алоҳида таъкидланади. Бу профилактика , тезкор-қидирав , тергов , йўл ҳаракати хавфсизлиги , алоҳида

<sup>3</sup> Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўкув кўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет

<sup>4</sup> Шавкат Мирзиёев.«Конун устиворлиги ва инсон манфаатларини тамиллаш-юрг тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови».Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги маъruzasi/ Ҳалқ сўзи.-2016. №243(6678).- Б.1-3.

вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилганида , ички ишлар органларининг моддий- техник базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида намоён бўлмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва очиқликни таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари , милиция таянч пунктлари , каби инситутлар ташкил этилгани юртимизда тинч- осуда ҳаёт таъминланишига хизмат қилмоқда . Кейинги вақтларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш , жиноятчиликка қарши курашиш , жамоат тартибини сақлаш , фуқароларнинг ҳақ- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш , жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилиганини қайд этди. Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда . Сўнги беш йилда “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида ”ги қонунлар қабул қилиниб , “ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида ” ги қонунга замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.2016-йилда “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонун қабул қилингани бу борадаги ҳуқуқий- меъёрий пойдеворни янада мустаҳкамланди Ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш , маҳаллий ҳокимликлар , фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш асосида ташкил қилиш , ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас , балки шахсий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этмоқда. Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки , токи ҳалқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътиrozига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган . Қасдан тан жароҳати етказиш , фирибгарлик , йўл-транспорт ҳодисалари камайган. Юрбошимиз томонидан хафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни , деб эълон қилишни таклиф этди. Шу куни ҳудудлар прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари маҳаллий телеканалларда чиқишлиар қилиб , содир этилган жиноятлар , уларнинг келиб чиқиш сабаблари , олдини олиш бўйича тадбирлар ва профилактикаси хақида ахборот беради. Ёшлар ва аёллар жиноятчилиги борасидаги аҳвол ҳам кишини ташвишга солмай қўймайди. Масалан , 2016-йилда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари мингдан зиёд жиноятга қўл ургани , умумий жиноятларнинг олтитасидан биттасини хотин- қизлар содир этгани афсусланарлидир. Бунинг асосий сабабларидан бири ўрта маҳсус билим юртларида ўқувчиларнинг давомати

тушиб кетгани , бу ҳолни ўрганиш ва назорат қилиш бўйича мукаммал тизим яратилмаганидир.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Sh.M.Mirziyoevning "Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Farmonga 21.10. 2016 yil
2. 2014 yil 14-maydagi “Huquqbazarliklar profilaktikasi to‘g‘risida” gi qonun. Manbaa: Lex.uz.sayti: <https://lex.uz/acts/-2387357>
3. Ichki ishlar organlarining huquqbazarliklar profilaktikasi faoliyati o‘quv qo‘llanma S.B Xo‘jaqulov Toshkent 2017. 5-bet
4. Shavkat Mirziyoev.«Qonun ustivorligi va inson manfaatlarini taminlash-yurt taraqqiyoti va halq farovonligining garovi».O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagি maruzasi/Halq so‘zi.-2016. №243(6678).- B.1-3.